

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУФОВ НОРБЕК ИСЛОМБЕК ЎҒЛИ

**ЖАҒ АЛЬВЕОЛЯР ЎСИҚЛАРИНИНГ МЕХАНИК СИНИШЛАРИДА
СИНИҚ БЎЛАКЛАРИНИНГ ИММОБИЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ
СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсуфов Норбек Исломбек ўғли

Жағ альвеоляр ўсиқларининг механик синишларида синиқ бўлакларининг
иммобилизация усуллари солиштирма баҳолаш 3

Юсуфов Норбек Исломбек угли

Сравнительная оценка методов иммобилизации отломков при
механических переломах альвеолярных отростков челюстей 24

Yusufov Norbek Islambek ugli

Comparative assessment of fracture immobilization methods in mechanical
fractures of the alveolar processes of the jaws 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУФОВ НОРБЕК ИСЛОМБЕК ЎҒЛИ

ЖАҒ АЛЬВЕОЛЯР ЎСИҚЛАРИНИНГ МЕХАНИК СИНИШЛАРИДА
СИНИҚ БЎЛАКЛАРИНИНГ ИММОБИЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ
СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4652 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdsi.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомуродов Кахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азимов Мухаммаджон Исмоилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шукпаров Асылбек Баядилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент
(Қозоғистон)

Етакчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети
(Россия)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: tdsi2016@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда юз-жағ соҳаси жароҳатларини даволаш тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Меҳнат фаолиятининг жадаллашуви, транспорт воситаларининг ривожланиши ва уларнинг кенг аҳоли учун қулайлиги, катта шаҳарлардаги аҳолининг руҳий-ҳиссий муҳитининг ёмонлашуви мамлакатимиз ва қўшни давлатлар аҳолиси орасида жароҳатланиш даражасининг сезиларли ўсишига олиб келди. Жароҳатлар ҳамон «...аҳолининг касалланиши, ногиронлиги ва ўлимида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда...»¹. Жароҳатланиш муаммоси юз-жағ жарроҳлиги ва жарроҳлик стоматологиясидаги илмий изланишларнинг асосий мавзуларидан биридир. Нафақат юз скелети суяклари синиши билан жабрланганлар сонининг кўпайиши, балки жароҳатнинг оғирлашуви тенденцияси ҳам кузатилмоқда.

Дунёда юз-жағ соҳаси жароҳати доимий ўсиш тенденциясига эга бўлган энг кенг тарқалган шикастланишлар қаторига киради. Юз суяги тузилмаларининг шикастланишлари сони сўнгги пайтларда 2,4 баробар ошди. Юз-жағ соҳаси жароҳатларининг улуши юз скелети суяклари шикастланиши билан боғлиқ барча жароҳатлар орасида 3,2% дан 8% гача, ногиронлик эса, турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, 23,3% дан 42,5% гача етади. Тишлар ва жағларнинг альвеоляр ўсиқдаги жароҳатлари травматик шикастланишларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, болалар ва катталар билан ишлайдиган стоматологлар ўз клиник амалиётларида бу ҳолатга тез-тез дуч келишади. Кўпинча, юзнинг анатомик тузилиши хусусиятлари туфайли олдинги соҳадаги юқори жағ шикастланади. Тиш-жағ аномалиялари олдинги юқори тишларнинг шикастланиш эҳтимолини оширади (тиш қаторини анатомик шиналанмаслиги ва тишларнинг нотўғри жойлашувида зарба юкининг маҳаллий тўпланиши). Ушбу турдаги жароҳатлар, турли адабиёт манбаларига кўра, юз-жағ соҳаси жароҳатлари умумий сонининг 1,5 дан 3,9% гачасини ташкил этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини замонавий асосда ривожлантириш, аҳолига юқори сифатли ихтисослаштирилган стоматологик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жумладан стоматология амалиётига юқори самарали технологияларни жорий этиш, «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий ёрдамни стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, юз-жағ соҳасида жароҳатлари бўлган беморларнинг оғиз бўшлиғидаги ҳолатни аниқлаш даражасини ошириш, жарроҳлик амалиёти сифатини яхшилаш йўналишида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарур. Бу эса альвеоляр ўсиқ синишлари мавжуд бўлган беморларда

¹ Walshaw, Emma G., et al. "The psychological sequelae of maxillofacial trauma: a scoping review of the literature." *British journal of oral and maxillofacial surgery* 60.10 (2022): 1303-1320.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони.

даволашнинг эҳтиётловчи усуллари билан биргаликда комплекс ёндашув ёрдамида асоратларни бартараф этишга қаратилган. Ўз навбатида, бу альвеоляр ўсиқ синиқларини даволашда синиқ бўлакларини иммобилизация қилишнинг кам жароҳатли усулларини жорий этиш ва беморларда пародонт тўқималарининг яллиғланиш касалликларини олдини олишни долзарб илмий йўналишлардан бири сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Andreassen J.O. ва Lauridsen E. (2015) маълумотларига кўра, кўп ҳолларда альвеоляр ўсиқ синишлари фақат иккита тишга таъсир қилади (57%), аммо баъзан еттигача тишни ҳам қамраб олиши мумкин. Альвеоляр ўсиқ синишлари кўпинча 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган давр оралиғида (43%) учрайди. Юмшоқ тўқималар шикастланиши 73% ҳолатларда кузатилади. Кўпинча, пастки жағнинг альвеоляр ўсиғининг синиш чизиғи қозиқ тишларнинг периодонтал ёриғи бўйлаб ва юқори жағнинг иккита марказий курак тишлари орасидаги сагиттал чокда жойлашади. Муаллифларнинг фикрича, бу қонуният жағларнинг заиф зоналари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Одатда, альвеоляр ўсиқларнинг шикастланиши тишларнинг у ёки бу турдаги шикастланиши билан бирга келади ва аксинча – тишларнинг шикастланиши жағларнинг альвеоляр ўсиқларининг жароҳатланишига сабаб бўлиши мумкин. Юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи пастки жағнинг альвеоляр қисмига қараганда кўпроқ синишга мойил (тахминан 5:1 нисбатда).

Альвеоляр ўсиқ синишларини даволашнинг асосий тамойиллари ҳар қандай синишларни даволашдаги каби тўғри репозиция ва иммобилизациядан иборат. Иммобилизацияни силлиқ шина-скоба, тиш-милк шинаси (Ванкевич, Степанов, Вебер) ва шина-каппа (Черченко Н.Н., Самсонов С.В., 2013) ёрдамида амалга ошириш мумкин. Хорижий адабиётларда альвеоляр ўсиқ синишларини даволашда Эрих ва Рисдон ёйлари кўпроқ тилга олинади (Jungsuk Cho et al, 2022). Юқорида санаб ўтилган усуллардан ташқари, амалиётда иммобилизация қилиш учун тишларни лигатурали боғлаш, брекет тизими ва шиша толали лента билан шиналаш қўлланилади, бунда тиш қаторининг бутунлиги сақланиб қолиши шарт.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган тиш шиналарини маҳкамлаш усули кўплаб афзалликларга эга бўлса-да, бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар: пародонт тўқималарига салбий таъсир кўрсатиш, оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси ва беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтириш (Боймурадов Ш.А., 2020; Шомуродов К.Э., 2022).

Шундай қилиб, аҳоли орасида альвеоляр ўсиқ синишларининг юқори частотаси, анъанавий иммобилизация усулида пародонт комплекси тўқималарининг яллиғланиш жараёнларининг тез-тез намоён бўлиши замонавий, кам жароҳатли ва янада самарали иммобилизация усулларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, альвеоляр ўсиқ синиқлари бўлган беморларни даволашга бағишланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқоти мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ 011400199-сонли «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари ва деформациялари, яллиғланиш жараёнлари, жароҳатлари ва ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2020–2025) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жағларнинг альвеоляр ўсиқлари синишларини даволашда пародонт тўқималарига салбий таъсирни камайитиришга қаратилган иммобилизация усулларини солиштирма баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этиологияси, жойлашуви, тури ва хусусиятига қараб альвеоляр ўсиқ синишларининг частотасини аниқл мақсадида ретроспектив таҳлил ўтказиш;

альвеоляр ўсиқни иммобилизация қилишнинг турли усулларида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ўрганиш ва пародонт тўқималарининг ҳолатини баҳолаш;

альвеоляр ўсиқ синиқларини даволашда турли хил иммобилизация ва фиксация усулларининг пародонт тўқималари микроциркуляциясига таъсирини баҳолаш;

танланган иммобилизация усулига кўра, суяк тўқимаси метаболизми ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш;

пародонт тўқималарининг яллиғланиш касалликларини олдини олиш учун атравматик иммобилизация усулини қўллаган ҳолда даволаш чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022– 2024 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси жарроҳлик стоматология поликлиникасида амбулатор даволанган 18–60 ёшдаги альвеоляр ўсиқ синишлари бўлган 65 нафар беморлар олинди.

Тадқиқот предмети сифатида альвеоляр ўсиқ синиқлари бўлган беморлар, симли шиналар, пародонт тўқималари, қон зардоблари, нурда қотувчи пломба материаллари олинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда рентгенологик, клиник-стоматологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жағларнинг альвеоляр ўсиғи синишларида турли хил иммобилизация усулларининг оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатига ва милк яллиғланиши оғирлигига таъсири сабабли анъанавий иммобилизация усулида 21 кун давомида оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати ёмонлашиши ва пародонт тўқималарининг яллиғланиш даражасининг ошиши аниқланган;

иммобилизациянинг анъанавий усулида пародонтнинг шикастланиши ва яллиғланиши остеокальцин миқдорини ($80,57 \pm 0,83$ нг/мл) пасайишига, паратгормонининг эса ($7,93 \pm 0,20$ пг/мл) ошишига, атравматик усулда эса остеокальцин миқдори ошиши ($104,25 \pm 1,10$) ва паратгормон пасайиши ($4,03 \pm 0,03$) суяк консолидациясига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

турли иммобилизация усулларининг пародонт микроциркуляциясига таъсири яллиғланиш оғирлиги ва микроциркуляция кўрсаткичлари ўртасида тесқари корреляция мавжудлиги ҳамда яллиғланиш жадаллиги ортиши билан тўқима перфузияси даражаси пасайиши ва ноадекват иммобилизацияда пародонт трофикасининг сезиларли даражада ёмонлашиши аниқланган;

альвеоляр ўсиқ синишларини даволашда пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёнларини камайиши ва синиш соҳасида суяк тўқимаси зичлигини ошиши ҳисобига таклиф этилган иммобилизация усулларининг самарадорлиги ультратовушли остеометрия асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

альвеоляр ўсиқ синишларини даволашда таклиф этилган атравматик иммобилизация усулини қўллаш яллиғланиш асоратлари ривожланишининг олдини олди ва пародонт тўқималарига салбий таъсирини камайтирди;

альвеоляр ўсиқ синишларини консерватив даволашда таклиф этилган иммобилизация усуллари оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасини ошириш, пародонт тўқималарининг микроциркуляциясини ва суяк метаболизми ҳолатини яхшилаш имконини берди, чунки маҳаллий ва умумий кўрсаткичларга салбий таъсири анъанавий иммобилизация усулига қараганда анча паст бўлди;

таклиф этилган иммобилизация усулларини қўллаш пародонт тўқималарининг анатомик ва функционал яхлитлигини сақлаб қолиш ҳамда альвеоляр ўсиқ синишлари бўлган беморларни даволашда асоратларнинг олдини олиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи рентгенологик, клиник-стоматологик ва лаборатор текширувлар натижаларининг статистик усуллар ёрдамида қайта ишланганлиги, пародонт тўқималарининг яллиғланиш касалликларини олдини олиш ва альвеоляр ўсиқ синиқларида

беморларнинг стоматологик ҳолати бўйича олинган маълумотларнинг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўтказилган изланишлар натижасида олинган маълумотлар клиник ва лаборатория кўрсаткичларини яхшилаш орқали таклиф этилаётган усулларни қўллашни асослайди ҳамда уларнинг альвеоляр ўсиқ синишларини даволашдаги иммобилизация усулларига боғлиқлигини аниқлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пародонт тўқималари яллиғланиш касалликларининг олдини олиш ва оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатини яхшилашга шиналаш конструкцияларининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда антисептикларни D витамини билан биргаликда қўллаш орқали эришилганлиги билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, пародонт тўқималарининг қон айланишини, суяк алмашинуви ҳолатини, синган қисмларнинг бирикиши сифатини яхшилаш ва альвеоляр ўсиқ синиши кузатилган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Таклиф этилган иммобилизация усулларидадан фойдаланган ҳолда альвеоляр ўсиқ синишларини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/44-сонли баённомаси).

Биринчи илмий янгилик: жағнинг альвеоляр ўсиғи синишларида турли хил иммобилизация усулларида оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатига ва милк яллиғланишининг оғирлигига таъсири қиёсий баҳоланди ва 21 кун давомида анъанавий иммобилизация усулида оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати ёмонлашиши ва пародонт тўқималарининг яллиғланиш даражаси ошиши аниқланди;

Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 03.03.2025 йилдаги 4-51-сонли буйруғи ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар стоматология поликлиникасининг 26.02.2025 йилдаги 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 22.05.2025 йилдаги 18/44-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: пародонт тўқималарининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иммобилизация усулини танлашни оптималлаштириш орқали асоратлар хавфини камайтириш, бу эса жароҳатдан кейинги остеомиелитлар, некрозлар ва тишларнинг йўқолиши частотасини қисқартириш имконини беради. Иммобилизацияга индивидуал ёндашувни қўллаш орқали даволаш ва реабилитация муддатларини қисқартириш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. Синишларнинг нотўғри консолидацияси ва пародонт касалликларининг ривожланиши билан боғлиқ чайнов аппаратининг функционал бузилишлари профилактикаси орқали

ногиронликнинг олди олинади. Юз-жағ жарроҳлигида янги диагностика мезонларини жорий этиш орқали шахсийлаштирилган тиббиётни ривожлантириш даволаш самарадорлигини оширади.

Иқтисодий самарадорлик: тадқиқот натижаларига кўра, пародонтнинг яллиғланиш касалликларини иммобилизация қилиш ва олдини олишнинг таклиф этилган усулларида фойдаланиш такрорий касалхонага ётқизиш, жарроҳлик аралашувлари ва асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига ортопедик даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам бериши аниқланди. Иммобилизациянинг атравматик усуллари амалиётда қўллаш соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий самарадорлик ўртача 1500000 сўмга етиши мумкинлигини кўрсатди.

Иккинчи илмий янгилик: ёндош шикастланишлар ва пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнлари суяк метаболизмининг маркери бўлган остеокальцин концентрациясини сезиларли даражада пасайтиради ва кальций алмашинувини тартибга солувчи паратиреоид гормонининг кўпайишига ёрдам беради. Пародонтдаги яллиғланиш даражаси ва суяк метаболизмининг биокимёвий маркерлари динамикаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди: пародонтдаги яллиғланиш нафақат остеокальциннинг пасайиши, балки паратиреоид гормонининг кўпайиши билан бирга келади, бу альвеоляр ўсиқ синишларида репаратив остеогенезнинг бузилишини кучайтиради;

Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 03.03.2025 йилдаги 4-51-сонли буйруғи ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар стоматология поликлиникасининг 26.02.2025 йилдаги 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 22.05.2025 йилдаги 18/44-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: пародонт тўқималарининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иммобилизация усулини танлашни оптималлаштириш орқали асоратлар хавфини камайтириш, бу эса жароҳатдан кейинги остеомиелитлар, некрозлар ва тишларнинг йўқолиши частотасини камайтириш имконини беради. Иммобилизацияга индивидуал ёндашувни қўллаш орқали даволаш ва реабилитация муддатларини қисқартириш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдди. Синишларнинг нотўғри консолидацияси ва пародонт касалликларининг ривожланиши билан боғлиқ чайнов аппаратининг функционал бузилишлари профилактикаси орқали ногиронликнинг олди олинади. Юз-жағ жарроҳлигида янги диагностика мезонларини жорий этиш орқали шахсийлаштирилган тиббиётни ривожлантириш даволаш самарадорлигини оширади.

Иқтисодий самарадорлик: тадқиқот натижаларига кўра, пародонтнинг яллиғланиш касалликларини иммобилизация қилиш ва олдини олишнинг таклиф

этилган усулларидан фойдаланиш такрорий касалхонага ётқизиш, жарроҳлик аралашувлари ва асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига ортопедик даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам бериши аниқланди. Иммобилизациянинг атравматик усуллари амалиётда қўллаш соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий самарадорлик ўртача 1 500 000 сўмга етиши мумкинлигини кўрсатди.

Учинчи илмий янгилик: жағлар альвеоляр ўсиқларининг синишларида турли хил иммобилизация усуллари пародонт тўқималарида микроциркуляция ҳолатига таъсири лазерли доплер флоуметрияси ёрдамида қиёсий баҳоланган ва пародонтдаги яллиғланиш жараёнларининг оғирлиги ва микроциркуляция кўрсаткичлари ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган: яллиғланиш интенсивлиги қанчалик юқори бўлса, тўқималар перфузияси даражаси шунчалик паст бўлади, бу эса жароҳат пайтида пародонт трофикасининг сезиларли даражада ёмонлашишини ва синган суякларнинг етарли даражада иммобилизация қилинмаганлигини кўрсатади.

Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 03.03.2025 йилдаги 4-51-сонли буйруғи ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар стоматология поликлиникасининг 26.02.2025 йилдаги 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 22.05.2025 йилдаги 18/44-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: пародонт тўқималарининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иммобилизация усулини танлашни оптималлаштириш орқали асоратлар хавфини камайтириш, бу эса жароҳатдан кейинги остеомиелитлар, некрозлар ва тишларнинг йўқолиши частотасини камайтириш имконини беради. Иммобилизацияга индивидуал ёндашувни қўллаган ҳолда даволаш ва реабилитация муддатларини қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади. Синишларнинг нотўғри консолидацияси ва пародонт касалликларининг ривожланиши билан боғлиқ чайнов аппаратининг функционал бузилишлари профилактикаси орқали ногиронликнинг олди олинади. Юз-жағ жарроҳлигида янги диагностика мезонларини жорий этиш орқали шахсийлаштирилган тиббиётни ривожлантириш даволаш самарадорлигини оширади.

Иқтисодий самарадорлик: тадқиқот натижаларига кўра, пародонтнинг яллиғланиш касалликларини иммобилизация қилиш ва олдини олишнинг таклиф этилган усулларидан фойдаланиш такрорий касалхонага ётқизиш, жарроҳлик аралашувлари ва асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига ортопедик даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам бериши аниқланди. Иммобилизациянинг атравматик усуллари амалиётда қўллаш соғлиқни сақлаш

тизими учун иқтисодий самарадорлик ўртача 1500000 сўмга етиши мумкинлигини кўрсатди.

Тўртинчи илмий янгилик: альвеоляр ўсиқларнинг синишларини даволашда таклиф этилган иммобилизация усулларининг самарадорлиги ультратовушли остеометрия асосида пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёнларини камайтириш ва синиш соҳасида суяк тўқимаси зичлигини ошириш орқали асосланган.

Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 03.03.2025 йилдаги 4-51-сонли буйруғи ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар стоматология поликлиникасининг 26.02.2025 йилдаги 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 22.05.2025 йилдаги 18/44-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: пародонт тўқималарининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иммобилизация усулини танлашни оптималлаштириш орқали асоратлар хавфини камайтириш жароҳатдан кейинги остеомиелитлар, некрозлар ва тишларнинг йўқолиши частотасини камайтириш имконини беради. Иммобилизацияга индивидуал ёндашувни қўллаш орқали даволаш ва реабилитация муддатларини қисқартириш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайтиди. Синишларнинг нотўғри консолидацияси ва пародонт касалликларининг ривожланиши билан боғлиқ чайнов аппаратининг функционал бузилишлари профилактикаси орқали ногиронликнинг олди олинади. Юз-жағ жарроҳлигида янги диагностика мезонларини жорий этиш орқали шахсийлаштирилган тиббиётни ривожлантириш даволаш самарадорлигини оширади.

Иқтисодий самарадорлик: тадқиқот натижаларига кўра, пародонтнинг яллиғланиш касалликларини иммобилизация қилиш ва олдини олишнинг таклиф этилган усулларида фойдаланиш такрорий касалхонага ётқизиш, жарроҳлик аралашувлари ва асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига ортопедик даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам бериши аниқланди. Иммобилизациянинг атравматик усулларини амалиётда қўллаш соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий самарадорлик ўртача 1500000 сўмга етиши мумкинлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, мақсад ва вазифалар аниқ ифодаланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар аниқланган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жағнинг альвеоляр ўсиғи синишида синик бўлакларини имобилизация қилиш усуллари кийим баҳолашнинг замонавий талқини”** деб номланган биринчи бобида жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларнинг этиологияси, таснифи, тарқалиш даражаси, клиникаси, даволаш усуллари ва реабилитация тадбирлари ҳақида илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Мавжуд ташхис ва даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари тавсифланган. Қўшимча тадқиқотлар талаб қилинадиган мунозарали масалалар келтирилган.


Диссертациянинг **“Альвеоляр ўсиқ синишларида жағларни имобилизация қилиш усуллари кийим баҳолаш материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг тавсифи, шу жумладан клиник материалнинг умумий тавсифи, аниқлаш усули, ўтказилган жарроҳлик амалиётининг самарадорлик мезонлари ҳамда клиник-рентгенологик ва лаборатория тадқиқот усуллари келтирилган.

Ретроспектив таҳлил ўтказиш учун биз ТДСИ клиникасининг 2018–2022 йиллардаги жарроҳлик стоматология поликлиникаси архив материалларини таҳлил қилдик ва альвеоляр ўсиқ синиши бўлган 162 нафар беморнинг касаллик тарихини ўрганиб чиқдик. Қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: юз-жағ соҳаси жароҳатлари билан шифохонадан чиқарилган беморлар сони, юз-жағ соҳаси жароҳатларининг жойлашуви ва тузилиши, альвеоляр ўсиқ синишларини даволаш учун стационар даволанишга мурожаат қилган беморлар сони, альвеоляр ўсиқ синишларини даволашда асоратларнинг учраш частотаси, альвеоляр ўсиқ синишлари бўлган беморларнинг ўртача ётоқ куни.

Илмий иш жағнинг альвеоляр ўсиғи синишлари бўлган 65 нафар беморни даволаш тажрибасига асосланган. Жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган барча беморлар даволаш усулига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 1-гуруҳ – 20 нафар беморда имобилизация учун тиш устига қўйиладиган силлик шина-скоба ишлатилган; 2-гуруҳ – 22 нафар беморда имобилизация қилиш учун “Medical Herbs” (Splat) оғиз чайқаш воситаси ва CALCIY TRIACTIVE® D3 қўлланилган ҳолда тиш устига қўйиладиган силлик шина-скоба ишлатилган; 3-гуруҳ – 23 нафар беморда имобилизация қилиш учун композит пломба материаллари ёрдамида маҳкамланган тиш шиналари ишлатилган (“Пастки жағ

синишларида иммобилизация қилиш усули” (Ижрога патент бериш учун аризининг рўйхатга олиш рақами: IAP 2020 0316, Муаллифлар: Шомуродов К.Э., Мусаев Ш.Ш., 14.07.2020)).

Барча беморлар мурожаатлар бўйича ТДСИ клиникаси жарроҳлик стоматология поликлиникасида ва Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиалида текширувдан ўтказилди. 2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда амбулатор даволанишга муҳтож бўлган альвеоляр ўсиқ синишлари билан 65 нафар бемор текширилди, улардан 49 нафари (75,3%) эркаклар ва 16 нафари (24,7%) аёллар эди (2.1.1-диаграмма). Барча беморлар 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган.



1-расм. Текширилган беморларнинг жинси ва ёши бўйича

Жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини аниқлаш учун панорамали томография (ортопантомография) ва зарурат бўлганда МСКТ усуллари қўлланилди.

Оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси Федоров-Володкина гигиена индекси (ФВГИ), папилляр-маргинал-альвеоляр индекс (РМА) ёрдамида милк яллиғланишининг интенсивлиги, пародонтал индекс (ПИ) ёрдамида пародонт тўқималарининг ҳолати 8 балли шкала (A.L. Russel) бўйича баҳоланди.

Репаратив регенерация даражасини аниқлаш ва иммобилизациянинг турли усулларида қиёсий баҳолаш мақсадида ультратовушли остеометриядан фойдаланилди. Ультратовушли остеометрияни “Эхоостеометр ЭОМ-02” (Россия) ультратовушли суяк денситометри ёрдамида ўтказилди, унда 1,2 МГц частотали ультратовуш тўлқинларини юборишнинг импульсли усули ва 2 та пезодатчиклар—ультратовушли диагностика бошчалари ишлатилган.

Пародонт комплекси тўқималарининг микроциркуляция кўрсаткичларини лазерли доплер флоуметрия усули билан аниқлашда қўндаланг кесимининг диаметри 0,3 см бўлган 3 каналли ёруғлик ўтказувчи кабель билан жиҳозланган ЛАКК-02 (НПП “Лазма”, Россия) анализаторидан фойдаланилди, унинг таркибига битта ёруғлик ўтказгич киради, у тўлқин узунлиги 0,63 мкм бўлган лазер

нурланишни текширилаётган юзаларга (маргинал ва альвеоляр милк соҳасида ва текширилаётган тишлар илдизларининг чўққилари проекциясида милкларнинг бирикиш зонасида) узатади. Шунингдек, икки ёруғлик ўтказувчи қайта акс этган фотосигнални қабул қилиб, фотодетекторга узатади.



2-расм. Ёруғлик таъсирида қотувчи пломба материали ёрдамида иммобилизация

Тадқиқотимизда жағ альвеоляр ўсиқ синиши билан оғриган беморларнинг қон зардобиди суяк метаболизмиди аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар маркер сифатида танланди: кальцийни бошқарувчи гормонлар (паратиреоид гормони, кальцитонин) даражаси; суякнинг ремоделлашиш маркери – остеокальцин миқдори, кортизол даражаси, ишқорий фосфатаза фаоллиги, қондаги кальций (Ca^{+2}) ва ноорганик фосфор (P) миқдори.

Тадқиқот учун қон намуналари фақат эрталаб оч қоринга тирсак венасидан олинди. Суяк метаболизмиди барча биокимёвий параметрлари махсус реактивлар тўпламидан фойдаланган ҳолда “IMMULITE 2000” (Siemens Healthcare Diagnostics Inc., АҚШ) автомат анализаторда қаттиқ фазали хемилюминесцент иммунотаҳлил усули билан аниқланди.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), ўртача квадрат оғиш (σ), стандарт хатолик (m), нисбий кўрсаткичларни (частота, %) ҳисоблаш билан статистик таҳлилнинг амалий дастурлар пакетидан фойдаланиб қайта ишланди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар учун ишончлилик даражаси $p < 0,05$ қабул қилинди.


Диссертациянинг **“Альвеоляр ўсиқнинг патологик синишларига чалинган беморларни турли хил иммобилизация усуллари билан даволашда стоматологик ҳолатни ретроспектив таҳлил қилиш ва клиник баҳолаш натижалари”** деб номланган учинчи бобида архив материаллари бўйича ретроспектив тадқиқот натижаларининг умумий тавсифи, текширилган беморларнинг клиник ва лаборатория диагностик хусусиятлари, альвеоляр ўсиқ синиқларини иммобилизация қилишнинг турли усулларида фойдаланиш ва натижалари ҳамда оғиз бўшлиғи учун антисептикларни D витамини билан биргаликда жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларни даволаш комплексиди қўллаш натижалари келтирилган.

Биз томондан жами 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 162 нафар беморнинг касаллик тарихи ўрганилди.

Тадқиқот даврида жабрланганлар орасида жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларнинг улуши 9,6% ни ташкил этди. Жабрланувчини даволашнинг ўртача давомийлиги 25,3 кун. Шикастланишлар орасида юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи синишлари устунлик қилади. Альвеоляр ўсиқ синишларининг барча турларидан 140 та ҳолатда (86,4%) синишлар ЮЖда, 22 (13,6%) ҳолатда ПЖда кузатилган.

Альвеоляр ўсиқ синиқларини даволаш учун турли хил усуллар қўлланган. Жумладан, 133 та ҳолатда (82,6%) силлиқ шина-скоба ёрдамида жағлар иммобилизацияси, 19 та ҳолатда (11,9%) остеосинтез операцияси, 10 та ҳолатда (6,1%) лигатурали боғлам қўлланилган. Беморларнинг жинси бўйича нисбати қуйидагича бўлди: жағнинг альвеоляр ўсиғи синишининг энг юқори фоизи эркакларда – 137 та ҳолат (84,5%), аёлларда эса – 25 та ҳолат (15,5%) қайд этилган.

Ўрганилган даврда жағ синишларининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши 10,2% ни ташкил этганлиги аниқланди (2018 йилда 44,2%, 2019 йилда 50,1%, 2020 йилда 51,5%, 2021 йилда 52,1%, 2022 йилда 53,9%) (3-расм).



3-расм. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра 2018–2022 йилларда учраб турадиган жағ синишлари частотасининг ўсиш динамикаси

Олинган маълумотлар жағлар синишининг тарқалиши ва тузилиши ҳақида тасаввур беради. Кўриниб турибдики, жағ синиши билан оғриган беморларнинг энг катта қисмини асосан шаҳарда яшовчи эркаклар (86,6%) ташкил этади. Бундай беморларнинг асосий қисми тасодифий жароҳат туфайли, юқори жисмоний фаоллик сабабли жағ синишини бошдан кечиради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда ҳам пастки, ҳам юқори жағда альвеоляр ўсиқ синишини жарроҳлик аралашувисиз даволаш мумкин.

Шундай қилиб, 5 йил давомида ТДСИ клиникасининг жарроҳлик стоматология поликлиникасига мурожаат қилган барча беморлар орасида юз-жағ соҳаси жароҳатлари бўлган беморларнинг улуши доимий равишда юқори бўлган. Юз-жағ соҳаси жароҳатлари орасида 2018–2022 йиллар давомида жағлар синиши билан шикастланган беморлар сони 10,2% ўсиши кузатилди. Бу эса ихтисослаштирилган ёрдамни такомиллаштириш ва ушбу тоифадаги беморларни даволаш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Барча гуруҳлардаги беморларда оғиз бўшлиғи гигиенаси (ФВГИ), пародонт

тўқималарида яллиғланиш жараёнларининг ҳолати (ПИ) ва тарқалиши (РМА) ўрганилди. Назорат гуруҳига деярли соғлом одамлар (яққол стоматологик касалликларсиз) киритилди. 1- ва 3-гуруҳдаги барча беморларга 0,02% фурациллин эритмаси (1:5000) ёрдамида оғиз бўшлиғи гигиенасининг умумий қабул қилинган чизмаси, 2-гуруҳдаги беморларга эса “Medical Herbs” (Splat) оғиз чайқаш воситаси ва CALCIY TRIACTIVE® D3 ичиш учун тавсия этилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, барча гуруҳлардаги беморларда қабул пайтида ФВГИ қийматлари статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлмади ва $1,9 \pm 0,09$ дан $2,2 \pm 0,13$ баллгача ўзгариб турди. Назорат гуруҳи билан таққослаш шуни кўрсатдики, жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи гигиенаси сезиларли даражада ёмонроқ бўлган ($p < 0,05$). Бирламчи текширувда барча беморларда назорат гуруҳига қараганда милкнинг яққолроқ яллиғланиши кузатилди ($p < 0,01$). ПИ кўрсаткичлари гуруҳлар ўртасида аниқ фарқларга эга бўлмади. Бирок, назорат гуруҳи билан таққослаганда кичик фарқлар аниқланди.

Даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатини (ФВГИ) ўрганиш шуни кўрсатдики, 2- ва 3-гуруҳлардаги жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларда иммобилизациянинг 14-кунида ФВГИнинг ёмонлашуви 1-гуруҳдаги жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларга қараганда камроқ эди. Кўрсаткичларнинг ўзгариши биринчи гуруҳда $2,2 \pm 0,13$ дан $3,0 \pm 0,18$ баллгача ($p < 0,001$ $t=3,6$ да), иккинчи гуруҳда $2,0 \pm 0,08$ дан $2,3 \pm 0,09$ баллгача ($p < 0,01$ $t=2,5$ да), 3-гуруҳда $2,2 \pm 0,05$ дан $2,6 \pm 0,06$ баллгача ($p < 0,01$ $t=2,5$ да) бўлди.


Барча гуруҳлардаги беморларда иммобилизациянинг 14-кунида текширилганда ПИ янада ёмонлашганини кўрсатди ва жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши бўлган 1-гуруҳдаги беморларда $1,1 \pm 0,02$ баллни, 2-гуруҳда $0,7 \pm 0,03$ баллни, 3-гуруҳда $0,6 \pm 0,04$ баллни ташкил этди. Жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган беморларни иммобилизацияловчи конструкцияларни олиб ташлаш бўйича текширилганда, барча гуруҳлардаги ПАОЧ билан оғриган беморларда гигиена даражасининг янада ёмонлашгани аниқланди. Учинчи текширувда гигиена ҳолатини таққослаш шуни кўрсатдики, энг қониқарсиз гигиена жағнинг альвеоляр ўсиғи синиши билан оғриган 1-гуруҳ беморларида кузатилди. Уларнинг иммобилизацияси тиш устига силлиқ шина-скоба қўйиш билан амалга оширилганди – $2,6 \pm 0,09$ (2-гуруҳ), $2,5 \pm 0,08$ (3-гуруҳ) га қарши $3,9 \pm 0,19$ ($p < 0,01$).

Иммобилизацияловчи конструкциялар олиб ташланган кундаги ПИ натижаларини таҳлил қилиш ҳам беморларнинг барча гуруҳларида дастлабки маълумотлар билан солиштирганда ёмонлашиш томонга силжишни кўрсатди. Шу билан бирга, 1-гуруҳдаги беморларда юқори фарқлар олинди – $0,6 \pm 0,04$ баллга қарши $1,4 \pm 0,04$ ($p < 0,01$).

Турли хил иммобилизация усуллари ёрдамида даволаш динамикасида пародонт комплекси тўқималарида яллиғланишнинг оғирлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, даволаш давомида яллиғланиш кучайиб борган ва барча гуруҳларда (иммобилизациянинг 21-кунида) ўзининг максимал даражасига етган. Шу билан бирга, текширувнинг якуний босқичидаги натижалар РМАНинг энг паст фоиз кўрсаткичларини кўрсатди ва 2- ва 3-гуруҳлардаги беморларда мос равишда

38,5±1,55 ва 36,3±1,38% (p<0,05) ни ташкил этди.

Оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасининг ўзгариши, пародонт тўқималарининг ҳолати ва милк яллиғланишининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан (% да) таҳлили 2- ва 3-гурӯҳларда қўлланилган усулларнинг афзалликларини кўрсатди. Шунингдек, скоба шиналари билан иммобилизация қилиш, “Medical Herbs” (Splat) оғиз чайқаш воситаси ва D витамини (2-гурӯҳ) қўлланилиши анъанавий скоба шиналари билан иммобилизация қилиш усулидан (1-гурӯҳ) устун эканлигини кўрсатди.



4-расм. Турли хил иммобилизация усулларида РМА динамикаси

